

МАМАЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИГА МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Нуралиев Бехзод Бахтиёр ўғли

Тошкент давлат иқтисодиёт

университети ўқитувчиси

behzodnuraliyev@gmail.com

ORCID: 0009-0002-2427-1633

Аннотация. Ушбу мақолада сўнги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётига халқаро молиявий институтлар томонидан молиявий ресурсларни жалб қилишда амалга оширилаётган ислохотларнинг ўзига хос жиҳатлари тадқиқ қилинган. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш ҳамда молиявий оқимни ошириш, капитал бозорига кириб боришнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги илмий-амалий таклифларга тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: халқаро молиявий институтлар, молиявий ресурслар, инвестицион лойиҳалар, “яшил” иқтисодиёт, акциядорлик жамияти, молиявий инструмент, сунъий интеллект

КИРИШ

Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётига назар ташлайдиган бўлсак, ҳеч бир мамлакат ёки иқтисодиёт халқаро молиявий муносабатларда фаол иштирок этмаган ҳолда иқтисодий ўсишга эриша олмайди. Бунинг энг асосий сабабларидан бири эса бу молиявий ресурсларнинг етишмаслиги ҳисобланади. Жумладан, бугунги кунда мамлакатизнинг ташқи иқтисодий фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак хорижий давлатлар ва халқаро молиявий институтлар билан мустаҳкам ҳамкорликларни йўлга қўйиш устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Бироқ, ҳар қандай мамлакат ёки халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликларни йўлга қўйишда энг аввало мамлакатимиз манфаатлари ва келажагини ҳисобга олган ҳолда қарорлар қабул қилинмоқда. Натижада эса мамлакатимизни ривожланган мамлакатлар қаторига чиқариш, иқтисодий

жихатдан ўз кудратини ошириш ва бу орқали халқимиз фаровонлигини таъминлаш, аҳоли даромадларини ошириш, турмуш даражасини яхшилаш, камбағалликни бартараф этиш ва бошқа кўплаб соҳаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган «Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосан ишлаб чиқилган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам “Жаҳон миқёсидаги мураккаб жараёнларни ва мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда кейинги йилларда «Инсон қадри учун» тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислохотларнинг устувор йўналишлари”¹ нинг белгилаб берилиши ҳам юқоридаги фикрларимизнинг исботидир.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Халқаро молиявий ресурсларни иқтисодиётимизга жалб қилиш бир қанча омилларга боғлиқ ҳисобланади. Жумладан, Инвестицион муҳит, яъни хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича миллий қонунчилигида кўзда тутилган меъёрлар, талаблар, имтиёзлар ва бошқа омиллар. Сўнги йилларда қабул қилинган қарор ва қонунлар, яъни 2023 йил 2 сентябрдаги “Капитал бозорини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-291-сонли Президент қарори, 2024 йил 1 майдаги “Товар ва молия бозорларида монополияга қарши тартибга солишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 256-сонли ВМ қарори ва бошқа меърий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ҳам инвестицион муҳитни яхшилашга қаратилган чораларнинг бир қисми ҳисобланади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон.

Хўжалик юрутувчи субъектларда молиявий маблағларни белгилаш ва шакллантириш, инвестицион жараёнларнинг самарадорлигини ошириш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш механизмини ишлаб чиқиш масалалари бўйича қатор хорижий ҳамда ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар ўз фикрларини билдириб ўтишган. Иқтисодчи олим И.Бланк фикрича, молиявий механизм “корхонанинг молиявий фаолияти соҳасидаги бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнига таъсир этишнинг асосий элементлари тўпламидир”. Профессор Ш.Ш.Шоҳаъзамийнинг фикрига кўра, “молия бозори – бу монетизациялашган реал инвестицион базисга эквивалент молиявий инструментлар билан боғлиқ ташкиллашган иқтисодий-ҳуқуқий механизм билан таъминланган муносабатларни мақсадли амалга оширувчи, иқтисодиёт субъектлари учун зарурий бозор шароитларини яратиб берувчи мажмуа сифатида намоён бўлувчи тизимдир”.

Россиялик иқтисодчи олим Р.Р.Рубцовнинг фикрига кўра, “капитал бозори таркибидаги молия бозори – пул капиталининг ҳаракатланиши билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар ва институтлар мажмуидир”².

И.Балабановга кўра, “молиявий ресурслардан фойдаланишни ташкил этиш, режалаштириш ва рағбатлантиришда ифодаланган молиявий воситаларнинг ишлаш тизимидир”.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 июнь куни пойтахтимиздаги Халқаро конгресс марказида тўртинчи Тошкент халқаро инвестиция форумининг ялпи мажлисида сўзлаган нутқида иштирокчилар эътиборини “Мамлакатимиз учун инвестициялар шунчаки молиявий ресурс эмас, балки технологиялар, билимлар, малакали кадрлар, шунингдек, халқаро ишлаб чиқариш занжирларига интеграциялашув”³ эканлигига қаратди.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

² АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИГА КАПИТАЛ БОЗОРИДАН МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАР ЖАЛБ ҚИЛИШНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ. “Ақтуар молия ва бухгалтерия ҳисоби” илмий журнали. №1, 2021й. ISSN:2181-1865

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 июнь куни пойтахтимиздаги Халқаро конгресс марказида тўртинчи Тошкент халқаро инвестиция форумининг ялпи мажлисида сўзлаган нутқи

Мамлакатимизга молиявий ресурсларни жалб қилиш орқали хўжалик юрутувчи субъектларни қўшимча молиявий ресурслар билан таъминлаш ҳамда мамлакатимизнинг иқтисодий кўрсаткичларини янада оширишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Мамлакатимиз тадбиркорлик субъектларини халқаро капитал бозори иштирокчиларига айланиши, уларнинг халқаро интеграциялашув жараёнларини ошириш билан бирга ишлаб чиқариш жараёнларига инновацион технологияларни жорий этиш имкониятини янада оширади. Бугунги кунда Ўзбекистон мустақиллик тарихида илк бор корпоратив еврооблигацияларни халқаро фонд биржасида жойлаштириб булар бўйича дастлабки ижобий натижаларга эришилди. Жумладан, 2019 йилнинг февраль ойида Лондон фонд биржасида Ўзбекистон тарихида биринчи марта евробондлар, яъни еврооблигацияларни бозорга жойлади. Бунда 5 йиллик 500 миллион долларлик евробондларни 4,75 фоиздан, 10 йиллик 500 миллион долларлик евробондларни эса 5,375 фоиздан жойлаштирди. Қарз облигацияларини қайтариш муддатлари 2024 йил ва 2029 йиллар қилиб белгиланди⁴.

Бугун жаҳон иқтисодиёти янги ўзгаришлар оstonасида турганини таъкидлар экан, Ўзбекистон Президенти тўртта муҳим йўналиш бўйича ҳамкорлик қилиш муҳимлигини кўрсатиб ўтди.

1. Биринчиси - "яшил" иқтисодиёт моделига ўтиш.

Кейинги йилларда бу соҳага қарийб 6 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилинди. Электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми 59 миллиарддан 82 миллиард киловатт соатга ошди. Келгуси 5 йилда бу кўрсаткич 120 миллиард киловатт-соатдан ошиб, "яшил" энергия улуши 54 фоизга етади.

⁴ "Ақтуар молия ва бухгалтерия ҳисоби" илмий журнали. №1, 2021й. ISSN:2181-1865

Электр тармоқларини янгилашга ҳам 4 миллиард доллар жалб қилинади. Жорий йилда Самарқанд шаҳрида, келгуси йилда яна 8 та ҳудудда электр тармоқлари хусусий шерикликка берилади

2. Иккинчидан, рақамли технологиялар ва сунъий интеллект иқтисодиётнинг янги "драйвери"га айланмоқда.

Мамлакатимизда шу йилнинг ўзида IT экспорти 1 миллиард долларга етади. 2030 йилга бориб, бу кўрсаткични 5 карра ошириш учун салоҳиятимиз ҳам, имкониятимиз ҳам етарли

3. Учинчидан, молиявий тизим ва технологиялар тубдан ўзгармоқда.

Биз яқинда Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банки билан бирга Ўзбекистон молия секторини илк бор комплекс баҳолашдан ўтказдик. Улар банк, молия, суғурта, капитал бозоридаги ислохотларимизни тўлиқ қўллаб-қувватлади. Стартаплар учун муқобил молиявий восита - венчурлар жадал ривожланмоқда. Масалан, ўтган йили иккита миллий стартап компаниясининг қиймати илк бор 1 миллиард доллардан ошди.

4. Яна бир йўналиш - "Тўртинчи саноат инқилоби" шароитида технологик минералларга талаб бир неча баробар кўпаймоқда.

Ўзбекистонда вольфрам, молибден, магний, литий, графит, ванадий, титан ва бошқа минералларнинг катта захиралари аниқланган. Ер ости бойликларимизнинг умумий салоҳияти 3 триллион долларга баҳоланмоқда.- Минтақамизнинг минераллардан юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш “хаби”га айланиши учун барча имкониятлар мавжуд. Бу борада Тошкент ва Самарқанд вилоятларида “Келажак металлари технопарки”ни бунёд этмоқдамиз, - деди давлатимиз раҳбари. Шу боис геология-қидирув ишларидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган тўлиқ занжирни йўлга қўйган инвесторларга 10 йил давомида рента солиғини қайтариб бериш таклиф қилинди.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Хорижий инвестицияларни мамлакатимизга жалб қилишдан асосий мақсад шунчаки молиявий ресурс эмас, балки технологиялар, билимлар, малакали кадрлар, шунингдек, халқаро ишлаб чиқариш занжирларига интеграциялашув эканлигига алоҳида эътибор қаратган ҳолда улкан мақсадлар қўйилмоқда. Мамлакатимизда фаолият юрутувчи йирик хўжалик юрутувчи субъектларни жаҳон бозорларига интеграция қилиш орқали мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг халқаро майдонда эътироф этилишига эришиш, йирик давлат корхоналари ва банклари учун жаҳон молия бозорларида ўз облигацияларини жойлаштириш ва шу асосда инвестицион лойиҳаларни мустақил молиялаштириш учун замин яратади. Бу эса хусусий секторнинг мамлакатимиз Ялпи ички маҳсулотидаги улушининг ортишига, солиқ тушумларининг ортишига, аҳолининг турмуш даражасининг яхшиланишига олиб келади. Фикримизча,

Мамлакатимизга молиявий ресурсларини жалб этиш, уларни бошқаришнинг аниқ белгилаш илмий асосланган мезонларини ишлаб чиқиш, мазкур фаолиятни оқилона тартибга солиш асосида ички ва ташқи молиявий манбаларни барча шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда шакллантириш мамлакатимизнинг иқтисодий келажагини белгилайди.

Мамлакатимизга капитал бозоридан молиявий ресурсларни самарали жалб этиш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириши керак:

- Мамлакатимиз молиявий ҳолатини унинг молиявий ресурсларни жалб қилиш мақсадлари ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда пухта баҳолаш;
- Аҳоли турмуш даражасини оширишга қартилган инвестиция дастурларини белгилаш;
- Алоҳида мақсадларга эришиш учун молиявий ресурсларни жалб қилиш режасини ишлаб чиқиш;
- молиявий ресурсларни жалб қилиш усулларини, капитал бозорининг турларини, компаниянинг молиявий ҳолатига кўра қарз олишнинг асосий

параметрларини, инвестиция дастурлари ва молиявий ресурсларни жалб қилиш режасини асослаш;

- натижада капитал бозорининг молиявий ресурсларини компаниянинг молиявий ресурсларига айланишини таъминловчи молиявий ресурсларни жалб қилиш жараёнини амалга ошириш;

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

- 1..... “2026-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон
- 2..... 2023 йил 2 сентябрдаги “Капитал бозорини ривожлантиришнинг қўшимча чоратadbирлари тўғрисида”ги ПҚ-291-сонли Президент қарори
- 3..... 2024 йил 1 майдаги “Товар ва молия бозорларида монополияга қарши тартибга солишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 256-сонли ВМ қарори
- 4..... Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 июнь куни пойтахтимиздаги Халқаро конгресс марказида тўртинчи Тошкент халқаро инвестиция форумининг ялпи мажлисида сўзлаган нутқи.
- 5..... “Акциядорлик жамиятларига капитал бозоридан молиявий ресурслар жалб қилишни кенгайтириш йўллари” Тошкент давлат иқтисодиёт университети, проректор, DSc М.Эшов. “Актуар молия ва бухгалтерия ҳисоби” илмий журнали. №1, 2021й. ISSN:2181-1865
- 6..... “Молиявий ресурслар ва уларнинг корхона фаолиятидаги аҳамияти” Темиров

Абдулазиз Алимжанович, ТДИУ, и.ф.н. доцент. RESEARCH AND EDUCATION

ISSN: 2181-3191 VOLUME 2 | ISSUE 4 | 2023

7..... [ht](#)

[tps://president.uz](https://president.uz)

8..... [ht](#)

[tps://lex.uz](https://lex.uz)

9..... [ht](#)

[tps://data.egov.uz](https://data.egov.uz)

10..... [ht](#)

[tps://stat.uz](https://stat.uz)